



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2007 йил
7 ноябрь
ЧОРШАНБА

№ 91
(11.998)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нархда сотилади

www.th.uz

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

Ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида

Фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида:

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2008 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида:

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги Молия вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда қуйидагиларни назарда тутган ҳолда ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш тўғрисида Низом ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

ҳосилдорлиги паст бўлган ерларни белгилашнинг аниқ мезонлари ва механизми;

ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш тартиби;

ажратиладиган маблағлардан мақсадли фойдаланиш устидан амалий назорат тизими.

3. 2008 йилнинг 1 январидан бошлаб фермер хўжаликлари қўллаб-қувватлаш чоратадбирлари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар, тижорат банклари билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2007 йил 5 ноябрь.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси қабул қилинган кун



ЙИГИТЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш – Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир.
(Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 52-модда).

Президентимиз Ислам Каримовнинг "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" номи маърузасида қайд этилганидек, армияда хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки нуфузли касблардан бирига, том маънодаги шон-шараф ишига айланиб бормоқда.

Айни кунларда жойларда мана шу муқаддас бурчнинг адо этишга бел боғла-

ган аскарларнинг қасамёд қабул қилиш маросимлари ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда бўлиб ўтди.

Ҳарбийлар, ота-оналар ва фахрийлар иштирок этган маросимда сўзга чиққанлар давлатимиз раҳбари ташаббуси билан соҳада олиб борилаётган изчил ишхоналар ўз самарасини бераёт-

ганини, армия ёшларимизни маънан ва жисмонан қамолга етказишда ўзига хос тарбия мактабига айланаётганини таъкидлади.

Мазкур қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, подполковник Шавкат Омонуллоевнинг айтишича, йигитлар бир ой давомида бошланғич ҳарбий билим ва қўнимга эга бўлган. Энди улар домий хизмат ўташ жойларига – ҳарбий қисм ва батальонларга йўл олади.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

БУЮРТМАЧИЛАР ДИДИГА МОС

Ангрендаги «Шарқий Қурама» очiq акциядорлик жамиятининг механика цехида асосан кон-геология соҳасига ихтисослашган транспорт воситалари, бургулаш ва бошқа техник ускуналар таъмирланади.

– Йил бошидан буён 25 миллион сўмлик иш бажарилиди, – дейди цех бошлиғи Мунаввара Дониёрова. – Бундан ташқари 300 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари

тайёрланди. Айниқса, ёзги ҳовлига мўлжалланган темир сўрилар, ишкомбоп тиргович ва устунлар буюртмачилар дидига мос келмоқда.

Мунаввара ИСАЕВА.

Обуна – 2008



«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»НИ СЕВИБ ЎҚИЙМИЗ

– дейишади ангреник маҳалла қўмиталари фаоллари

Шаҳар ҳокимлиги, почта-алоқа бўлимининг ташкилотчилиги асосида меҳнат жамоалари, ўқув юрлари, тадбиркорлик субъектлари ҳамда маҳалла қўмиталарида 2008 йил учун даврий нашрларга обуна уюшқоқлик билан давом этмоқда.

Жумладан, бу йил ҳам мавжуд 50 та маҳалла қўмитасининг ҳар бири «Тошкент

ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига жами 100 нусхадан обуна бўлаётти. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида хомий қорхона ва ташкилот-

лар томонидан ҳам шаҳардаги кам таъминланган оилалар, уруш ҳамда меҳнат фахрийларида 40 нафари вилоят газеталарига обуна қилиниши кўзда тутилган.

СУРАТДА:

Улугбек маҳалла қўмитаси раиси Жумакул Назаров (ўртада), фаоллар Холбой Мадумаров ҳамда Жўрабой Тожиёв «Тошкент ҳақиқати»нинг ангреник сониини кўздан кечиришмоқда.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING ҚУРУЛТОЙИ

Тошкентда 6 ноябрь кўни Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг (ЎзЛиДеП) қурултойи бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, мазкур партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ЎзЛиДеП фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг дастурий маърузаси тингланди. Маърузада мамлакатимизни ривожлантириш, демократик жараёнлар ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Сўзга чиққан делегатлар мустақиллик йилларида мамлакатимизда барча со-

ҳаларда тўб ўзгаришлар юз берганлигини алоҳида таъкидладилар. Миллий давлатчилик, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти асослари яратилди. Жамиятимиз ҳаётини демократлаштириш ва эркинлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича ислохотлар амалга оширилди.

Жорий йилнинг 23 декабрида бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим воқеа экани алоҳида қайд этилди. Шу муносабат билан ЎзЛиДеП ўзи учун жиддий сиёсий мактаб вазифасини ўтайдиган ушбу сайловда қатнашишни ўзининг ўта муҳим вазифаси, деб билади.

Ушбу партия ўз сафлари-

да қарийб 150 минг кишини бирлаштирган, унинг Олий Мажлиси кўйи палатасидаги фракциясида мазкур сиёсий партиядан сайланган 41 нафар депутат фаолият кўрсатади. Бу ЎзЛиДеП иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, мамлакатни демократик янгилашда етакчи куч бўлган тадбиркорлар, ишбилармонлар ҳамда фермерларни бирлаштирувчи, уларнинг манфаатларини ифода этувчи жиддий сиёсий кучга айлانганидан далолатидир.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислам Каримов номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Қурултойда, шунингдек, мазкур сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар қўриб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА.

«АДОЛАТ» ПАРТИЯСИНING СЪЕЗДИ

Тошкентда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг съезди бўлиб ўтди.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри партия кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партиядан сайланган маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Съездеда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашнинг биринчи котиби Дилором Тошмухамедованинг маърузаси тингланди.

2007 йил 23 декабрда бўладиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа бўлиб, Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда катта аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Шу муносабат билан Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси жиддий сиёсий мактаб вазифасини ўтайдиган ва партиянинг бошланғич ташкилотлари учун ижтимоий-сиёсий етуқлик синови бўладиган, шунингдек, демократия тамойилларини амалда жорий этиш имконини берадиган сайловда қатнашишни ўзининг фойда муҳим вазифаси, деб билади.

Съездеда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси сиёсий кенгашнинг биринчи котиби, ушбу сиёсий партиянинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Дилором Тошмухамедованинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Унинг маърузасининг асосий дастурий қоидалари муҳокама этилди.

Съездеда, шунингдек сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар қўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА.

ЙИФИЛИШ ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президент сайлови кампанияси жорий йилда мустақил давлатимиз тараққиётидаги муҳим босқич – мамлакатимизни фаол ислох қилиш ва модернизациялаш, жамиятимиздаги демократик янгиланишларни жадаллаштириш даврига тўғри келмоқда.

Бу босқичда сиёсий партияларнинг давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш, қабул қилинган Конституциявий қонун доирасида мамлакатни модернизация қилишдаги иштирокини янада кенгайтириш муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон халқ демократик партияси партиянинг барча аъзолари ва бошланғич ташкилотлари учун жиддий ижтимоий-сиёсий етуқлик синови бўладиган мазкур сайлов кампаниясида фаол қатнашишни зарур, деб билади.

Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган съездида шу ҳақда сўз юритилди. Унда партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашларидан сайланган делегатлар, Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Съездеда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамовнинг номзодини кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилинди. У йиғилганларни ўз сайловолди дастурининг асосий жиҳатлари билан таништирди.

Съездеда, шунингдек сиёсий партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди.

ЎЗА.


БИР ЙЎЛА ИККИ КЎРГАЗМА

«Ўзэкспомарказ»нинг марказий павильонида «Кон ускуналари, маъдан ва минералларни қазиб олиш ҳамда бойитиш – MiningWorld Uzbekistan 2007» 1-Ўзбек ҳамда «Кимё, пластмасса, резина – ChemPlast Asia 2007» 1-Марказий Осиё кўргазмалари ўз ишини бошлади.

Бундай саноат кўргазмаларининг бир вақтда ўтказилиши иштирокчиларни қўлайлаштириш, корхоналар ҳолатларини турдош соҳалардаги сўнгги ютуқлар билан таништириш, интеграцияланган саноат ечимларини излаб топиш учун яхши имконият беради. Уларни ташкил этишда ITE Uzbekistan ва I. T. E. Exhibitions & Conferences Ltd (Буюк Британия) ташкилотлари ҳамкорлик қилмоқда.

Кўргазмалар олдидан ўтказилган матбуот анжуманида таъкидланишича, Ўзе-

кистон саноатида мис, қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар, олтин ишлаб чиқаришни ўз ичига олувчи рангли ҳамда қора металлургия етакчи тармоқлардан бири ҳисобланади. Навоий ва Олмалик кон-металлургия қўшма ширкати ушбу тармоқнинг энг йирик корхоналаридир. Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металллар қўшма ширкати эса республика ҳудудида топилган вольфрам маъданлари ва молибден негизда ишлайди. Бекобод металлургия қўшма ширкати ме-



талл чиқиндиларини қайта ишлаш асосида пулат ва прокат чиқаради.

Тадбирда вилоят ҳудудида кўмир қазиб олиш суръатлари ошиб бораётганини алоҳида таъкидланди. Шу йилнинг олти ойи мобайнида Ангрени қўнғир кўмир қонида «Ўзбеккўмир»

жамияти 1,526 миллион тонна ҳамда «Апартак» жамияти 119,3 минг тонна кўмир қазиб олди.

Аҳамиятли томони шундаки, ушбу нуфузли кўргазмаларда қўрида санаб ўтилган корхоналар ҳам қатнашмоқда.

Хуршида МЎМИНОВА.

23 декабрь – Ўзбекистон Республикаси

Президенти сайлови кун



САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ЎРГАНАМИЗ

– **Участка сайлов комиссиялари таркиби ҳақидаги маълумотларни қаердан оласан бўлади?**

Қосим ҲАКИМОВ, Олмалиқ шахри.

– «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14-моддасига мувофиқ бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, номзодларнинг рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотларни излаш, олиш ва

тарқатиш ҳуқуқига эга. Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари ҳақидаги қарорлари матбуотда эълон қилинади.

– **Президентликка номзодларни рўйхатга олиш қачон тугалланади ва улар ҳақидаги маълумотларни қандай оламиз?**

Анора БОБОЕВА, Оқангирон шахри.

– «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 25-моддасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги

зидентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олишнинг маъноси, исми ва отасининг исмини, тутилган йилини, партияга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек, уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда эълон қилинади.

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Колопроктология – инсон йўғон ичаги фаолиятини ўрганадиган фан. Тибиётнинг бошқа йўналишларида бўлганидек ушбу соҳада ҳам диагностика ва даволашнинг янги технологиялари ҳамда воситалари яратилиши хасталикнинг олдини олиш ва асоратларини бартараф эттишга хизмат қилаётди.

Пойтахтимизда колопроктологиянинг долзарб муаммоларига бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий конференцияда шу ҳафта сўз юритилди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа йўналишларида бўлганидек, колопроктология соҳасида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш кўлами кенгаймоқда. Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли колопроктология илмий маркази мутахассислари томонидан бу борада кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти.

Конференцияда колопроктология соҳасининг тарақиёт мезонлари, касалликларни жарроҳлик йўли билан даволашнинг илғор технологияларини қўллаш самараси, йўғон ичак хасталикларини даволашда фойдаланилаётган янги препаратларнинг ўзига хос хусусиятларига бағишланган маърузалар тингланди.

Ў.А.

АҲОЛИ МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Мамлакатимизда аҳолини, айниқса, қишлоқларда яшайётган кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 23 мартда қабул қилинган «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларни кўпайтириш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриямал бўлмоқда.

Вилоятимизда ушбу ҳужжат ижросини таъмин-

лаш юзасидан сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасидан олинган маълумотга кўра, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида кам таъминланган ва серфарзанд оилаларга уч минг бошдан ортиқ соғин сигир тарқатилган. Қарийб етти юз нафар фуқарога

Иш билан таъминлашга кўмаклашувчи давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қорамол сотиб олиш учун 542,9 миллион сўм имтиёзли микрокредит ажратилган.

Вилоятнинг Пскент туманида ҳам бу борада қатор ишлар амалга оширилляпти. Жорий йилнинг ўтган ойларида тумандаги кам таъминланган оилаларга 39,3 миллион сўм имтиёзли микрокредит берилди.

Абдулла Эшонкулов ҳам

ана шундай имкониятдан баҳраманд бўлди.

– «Пахта банк»нинг туман филиалидан уч йил муддатга 860 минг сўм микрокредит олиб, соғин сигир харид қилдик, – дейди А. Эшонкулов. – Сигирли бўлиб, рўзгоримизга кут-баракат, тўқилик кирди. Турмушимиз яхшиланди. Бундай хайрли ишларга бош-қош бўлаётган Юртбошимиздан бениҳоя миннатдоримиз.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

Кичик бизнес Ва хусусий тадбиркорлик

СЎЗИГА СОДИҚ ҚОЛДИ



Унда шундай сўзлар битилган: «Мен тадбиркор бўлишни жуда-жуда хоҳлайман. Худо насиб қилса, бу номга эга бўламан. Тўғри, бу хунарнинг эътиборида тутиш осон эмас. Мен тадбиркор бўлсам, бирини бирга уриб, иккинчи қилишим, фақатгина пул кетидан қувадиган бўлмайман. Топганимни юртдошларим билан баҳам

кўраман. Улар дардини ўзимнинг дардим деб биларман».

Орадан кўп йиллар ўтди. Ҳа 9-синф ўқувчиларида санокчиларига ўз иншоларида ёзган касбини эгаллашди. Ахдида содиқлар орасида Дилором Ўринбоева ҳам бор. Оққўрғонлик бу аёл ҳозир «Дилором қизи Дибра» хусусий фирмаси

Дилором Ўринбоева 9-синфнинг ташкилотчи қизларидан эди. Бир кун у ўқийдиган синфга «Қим бўлсам экан?» мавзусида иншо ёзиш топширилди. Ўқувчиларнинг бири ўзи ёқтирган, қимдир отаси «ваъда қилган», бошқа биттаси эса яна қандайдир касбини танламоқчи эканлигини ёзиб берди. Иншолардан фақат биттаси муаллимани ажаблантириб қўйди. У Дилоромнинг ёзма иши эди.

нинг раҳбари. Унинг қўл остидаги қаҳвахонада 10 нафар йигит-қиз меҳнат қилаётди.

Тадбиркор яқинда яна бир ишга қўл урди. У туман марказида кўркам тўйхона қурилишини бошлаб юборди. Тўйхона 500 ўринга мўлжалланган бўлиб, шу йилнинг охирига қадар битказилади ва бу масканда яна 10 нафар маҳаллий аҳоли муқим иш билан таъминланади.

– Тўйхонани бежиз қурмаяпмиз, – дейди тадбиркор. – Яқин атрофдаги тўйхоналарга бурсангиз, жойи тордек кўринади. Бошқа биттасида эса нарх-

наво баланд ёки жуда ноқулай ерда жойлашган бўлади. Биз шу жиҳатларни инобатга олган ҳолда ишга киришдик.

Тадбиркор аёл маҳалла-қўйнинг қорига ярашнинг муҳим ишлардан деб билади. Яқинда маҳалладаги 6 нафар кам таъминланган ногиронга ёрдам кўрсатди.

Хуррият МЎМИНОВА.

СУРАТДА:

Дилором Ўринбоева тўйхона қурилишини кўздан кечирмоқда. **Пардавий ЭРГАШЕВ** олган сурат.

Умумхалқ ҳашари

«ОЛТИН КУЗ» АКЦИЯСИ

Маълумки, бир неча йилдан буён мамлакат аҳолисини барқарор тоза экологик шароит билан таъминлаш мақсадида уч босқичли «Экология ва саломатлик кунлари» аънавий тадбири ўтказиб келинади. «Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан изчил давом этиб келаётган ушбу хайрли тадбирни республика ҳукумати ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда.

«Экология ва саломатлик кунлари»нинг бу йилги учинчи босқичи тадбирлари доирасида республика мустақиллигининг 16 йиллиги ҳамда Конституция кунига бағишлаб, 3 ноябрь кунини умумхалқ экологик ҳашари ўтказилди. Мамлакат миқёсидаги ушбу ҳашарни ташкил этишда Республика штабидан маълум қилишларча, умумхалқ ҳашарида 8 миллиондан зиёд киши иштирок этди. Аксарият ҳашарчилар ўз иш жойларида ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарининг техник ҳолатини яхшилашдан ташқари киши мавсумига тайёргарлик кўриш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширилди. Шу-нингдек, ўз ишоналарни худудини тозалаш, саранжом-сарийша ҳолга келтириб, ободонлаштириш, мевали турфа гул қўчатлари экиш билан шуғулланилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳашар жараёнида ҳазон ва бошқа турли чиқиндилар ёқиб юборилишининг олдини олиш мақсадида, уларни махсус ажратилган жойларга тўплаш, маъийш чиқиндиларини эса мавжуд чиқиндиҳоналарга олиб бориб ташлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун зарур миқдорда техника воситалари жалб этилди.

Умумхалқ ҳашари доирасида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Ботаника ботаника махсус ақаси уюштирилди. Ҳар йилги аънавага мувофиқ унда ҳорижий давлатларнинг мамлакатдаги элчихоналари, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, республика Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, таниқли ёзувчи, шоир ва санъаткорлар, эколог олимлар ва «Экосан» ташкилотининг фаоллари



иштирок этди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурида белгиланганга мувофиқ умумреспублика экологик ҳашарида туганган давлатнинг асосий қисми Оролбўйи ва бошқа минтақалардаги экологик нуқуллар ҳудудларда истиқомат қилувчи кам таъминланган оилаларни моддий қўллаб-қувватлашга, барпо этилаётган ва тубдан таъмирланаётган ижтимоий объектларга, мамлакатнинг турли минтақаларига ёрдам кўрсатиш мақсадида уюштирилган «Экосан» саломатлик поездларини ташкил этишга сарфлаш назарда тутилган.

Самад ЙЎЛДОШ.

ДАРОМАД — ХАЙРЛИ ИШЛАРГА

«Бекободцемент» ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларига ички ва ташқи бозорда талаб катта. Шу боис қорхона жамоаси махсулот тури ва сифатини янада оширишга, экспорт ҳажминини кўпайтиришга жиддий эътибор қаратмоқда.

Бир ярим мингдан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган ушбу қорхонада ўтган йили 34 миллион 400 миллион сўмликдан ортиқ цемент ишлаб чиқарилди. Маҳсулотнинг асосий қисми ўз истеъмолчиларини қамраб, шунингдек, Россия, Қозғистон ва Тожикистондаги бюртмачиларга етказиб берилди.

Қорхонада «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ижросини таъминлаш юзасидан махсус режа ишлаб чиқилган бўлиб, у асосида 200 нафарга яқин ёлғиз қария, уруш ва меҳнат фахрийларига моддий ёрдам кўрсатилди. Юз нафар ҳодим сўхатлоҳларда бепул соғлигини тиклади. Оталиққа олинган болалар ботчаси ва мактабларни таъмирлаш учун беш миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Ў.А.

Бандликка кўмаклашувчи марказ:

КАСБ ЎРГАНИНГ, ИШГА ЖОЙЛАШИНГ

– Дугонажон, яхши жойга ишга кирибсан, деб эшитдим. Хурсанд бўлгандирсан. Ўзиман анчадан бери уй қизи бўлиб ўтиргандинг. Ишга киришинг қийин бўлгандир, ҳойнаҳой! – деди йўлда учратиб қолган дугона-сига Манзура.

– Мен ҳам бошида шунақа бўлади, деб юргандим, – деди жавобан Моҳичеҳра. – Қараки, озгина ҳаракат қилгандим, ҳам касб-хунар ўргандим, ҳам ишга жойлашдим. Бунинг учун Бандликка кўмаклашувчи марказга мурожаат қилдим. Давлатимиз томонидан шундай шароитлар яратилганини билмай юрарверган эканман.

Баъзан Моҳичеҳра сингариларининг мушуқлини осон қилган Бандликка кўмаклашувчи марказлар ҳақида эшитиб қоларди. Улар томонидан жойларда ташкил этилаётган меҳнат ярмаркаларида қатнашиб, бирон таниши-мигининг ишга жойлашганини қўлғоминида қалинади. Лекин бу марказларнинг иши фақатгина ярмарка ўтказиш билан чекланмаганлигига қўйинча эътибор бермаймиз. Паркент тумани бандликка кўмаклашувчи марказ раҳбари Салиббой Тўйчиев билан бўлган сўхатимиз айнан бу ташкилотнинг мақсади, вазифалари ва амалга ошираётган ишлари ҳусусида борди.

– Фуқаролар марказимизга турли масалалар билан мурожаат қилишади. Уларнинг бири ногирон фарзанди учун қандайдир ёрдам сўрайди, яна бири ишга жойлашмиш ўзинида, бошқалари ҳам ўзига яраша мақсад билан келади. Уларга имконият даражасида ёрдам берамиз.

Марказимиз ташкил этилаётганда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кўламлини янада кенгайтириш, муҳтож кишиларга табақалаштирилган тарзда ёрдам кўрсатиш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш каби мақсадлар қўзланган эди. Бу эзгу вазифаларни амалга ошириш учун қатор чора-тадбирлар, жумладан кўп тизимли мулкчиликка хос меҳнат бозорини шакллантириш, давлат ва нодавлат тизимлари шартинида келиб чиққан ҳолда меҳнат ресурсларини тақсимлаш, меҳнат бозорига рақобатлаша олмайдиган аҳоли табақалари – ёш болалари, касб-хунарсиз ёшлар ҳамда ногиронларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш ҳамда ишчи-қўли тақлиф ва талабини иқтисодий ва ҳуқуқий асосда ташкил қилиш вазифалари белгилаб олиниди.

– **Ўзингиз санаб ўтган вазифалар шу йилнинг ўтган даври мобайнида қай даражада амалга оширилди?**

– Марказ фаолияти республикамизнинг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғриси-

да»ги Қонуни ҳамда «Меҳнат кодекси», Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоят ва туман ҳокимликларининг тегишли қарорларида белгиланган вазифаларга асосланган ҳолда олиб боришмоқда. Шунинг учун бўлса керак, сўнгги йилларда туманимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохлар орқали аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, иш-сизларни иш билан таъминлаш, қўлимча янги иш жойлари яратишда сезиларли натижаларга эришилди. Бозор иқтисодиёти шартинида жамоаси меҳнат бозорини тартибга солишининг илғор усуллари жорий этиб бормоқда. Шунингдек, аҳоли ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишга катта эътибор қаратилляпти.

– Марказ фаолиятида аёллар муаммоларини ҳал этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилётган бўлса керак?

– Тўғри аналбасиз. Қишлоқ аёлларининг давлат ва жамият бошқарувидаги ролини ошириш ҳамда оналик ва болаларни ижтимоий муҳофаза қилиш доирасидаги қўлимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони ижросини таъминлашга қаратилган «Хотин-қизларни иш билан таъминлаш» дастурида иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни хизмат кўрсатиш соҳаси, қишлоқ хўжалиги, бозор, кичик бизнес ва тадбиркорлик, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг бошқа жаб-ҳаларига жалб этиш бўйича аниқ йўналишлар белгиланган. Бунда асосий эътибор турманнинг олис қишлоқ жойларига, айниқса, тоғолди ҳудудларида яшовчи аёлларни иш билан таъминлаш, уларнинг турмуш фаровонлиги, оила даромадини оширишга қаратилган. Дастурга асосан бу йил аёллар учун 551 та янги иш ўринлари яратилиб, режа ортиғи билан ба-жарилди.

– Қишлоқ жойларида иш ўринлари ташкил этилаётганлиги қувонarli, албатта. Лекин масаланинг бошқа бир томони ҳам бор. Ҳамма қишлоқ аёллари ҳам бирон қорхонага қатнаб, ишлаш имкониятига эга эмас-ку!

– Ҳа, фикр. Фақат иш ўринларини очиб билангина қўзланган мақсадга, аёлларнинг муаммоларини ҳал қилишга эриша оламиз. Чунки қишлоқ шароитида оилали аёллар қўлимча уй юмушлари, бола тарбияси билан андармон бўлишади. Ҳозир бу борадаги энг самарали йўл касаначиликни ривожлантиришдир. Ўтган даврда 87 аёл меҳнат, 35 нафари бюртма шартномаси асосида ўз уйида иш билан таъминланди.

Шунингдек, транспорт ва хизмат кўрсатиш соҳаси қорхоналари билан касаначилар ўртасидаги алоқаларни мустақамлаш мақсадида алоҳида яна бир муҳим дастур қабул қилинган. Унга кўра бу йил 180 нафар хотин-қиз касаначиликка жалб қилиниши кўзда тутилган эди. 9 ойнинг ўзига 2 та йирк ва 3 та кичик қорхона ёрдамида 195 аёл касаначилик асосида меҳнат қилаётди.

– **«Тошкент ҳақиқати» мухбири Хуришда НАЗАРОВА сўхбатлашди.**

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР МУВАФФАҚИЯТИ



Глиэр номдаги Республика махсус му-сика академик ли-цейига ҳориждан хушхабар келди. Мазкур лицей ўқу-чиси Тоҳиржон Ас-каров Италиянинг Агрополь шахрида ўтган ёш му-сикачиларнинг «Le Musi» халқаро танловида иккинчи ўринни қўлга киритди.

Ўн бешдан ортиқ мамлакат вакиллари иштирок этган маз-кур тадбирда икти-дорли ҳамюртимиз-нинг жакон классик ҳамда ўзбек компо-зиторларининг асар-ларини пианинода маҳорат билан иж-ро этгани танлов ҳайъати аъзолари томонидан оқсак баҳоланди.

Ў.А.

УЛАР ҲАМИША ЭЪТИБОРДА

Бўка тумани ижтимоий таъминот бўлими якка-ёлғиз пенсионерларни ва ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларга зурур ёрдам кўрсатиш мақсадида 35 нафар якка-ёлғиз, ўзгалар парваришига муҳтож ногиронларни рўйхатга олиб, 5 нафар ижтимоий хизмат кўрсатиш ҳодимасини бириктириб қўйди. Уларга ойма-ой 9 турдаги озик-овқат махсулотлари етказиб берилмоқда.

Ҳомийлар маблағи ҳисобидан эса, 2 нафар якка-ёлғиз пенсионернинг уйи таъмирлаб берилди. Бу мақсадлар учун 1 миллион 330 минг сўм маблағ сарфланди.

Бўстон қишлоғида яшовчи Й. Мелихўжаевнинг яшаб турган уйи авария ҳолатида бўлганлиги учун унга янгидадан уй қуриб берилди. Шунингдек, якка-ёлғиз пен-сционерлардан В. Лунёва ва Т. Кимнинг уйларини таъмирлашга кўмаклашилди. Булардан ташқари 4 нафар кексаннинг уйига телефон ўрнатиб берилди. Соғлиқларини тиклаш мақсадида уруш қатнашчилари ва ногирон пенсионерларга си-ҳатҳоҳларда даволанишла-

ри учун 73 та йўлланма тарқатилди.

Ҳозир уруш қатнашчи-си, болалиқдан ногирон шахслардан 13 нафарига бензин учун тоvon пули тўлаб келинмоқда. Шу-нингдек, 5 нафар уруш ногиронига тиш протези, учун маълумотнома бе-рилди.

Йил давомида ижтимоий таъминот бўлими томонидан 11 та ногиронлар аравачаси, 7 та эшитиш мосламаси, 4 та қўлти-таёк ва 2 та ҳасса олиб берилди. Ҳомийлар ҳис-обидан кам таъминланган оилалардан бирига теле-визор, ногирон бир қизга эса, компьютер совға қилинди.

Алижон МУРОДОВ.

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Тошкент шахри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уйда жойлашган "РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ" ЁАЖ

1. Савдода нархлари ошиб бориш тартибиде 2007 йилнинг 11, 18, 25 декабрь ва 2008 йилнинг 8, 15 январь кунлари соат 11.00 да қуйидаги автотранспорт воситалари сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади-ган очик аукцион савдоларига тақлиф этади.

Т/р	Автотранспорт воситаси номи	Бошланғич нархи (сўм)	Суд ижро-чиси	Суд органи	Ижро ҳуж-жати №	Манзили
1.	"КАМАЗ-53212" русумли, д/р 11 М 3904, техник носоз, 1991 йилда и/ч.	435 200	Бўстонлик тумани суд ижрочили-ри бўлими	ЖИБ Бўстонлик туман суди	2007 йил 6 августдаги 1-152-ижро варақаси	Бўстонлик тумани ТИФ "Миллий банк" Фазал-кент филиали
II. Шунингдек, қуйидаги тақдоран савдога чиқарилаётган автотранспортлар бўйича аукцион савдолари 2007 йилнинг 27 ноябрь ва 4, 11, 18, 25 декабрь кунлари соат 11.00 да сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.						
1.	"ВАЗ-21074" русумли, д/р 2160 ТНД, и/ч йилги номыул, техник носоз	500 000	Суд депар-таментининг Тошкент ви-лояти худудий бошқармаси	Тошкент вилояти ҳўжа-лик суди	2007 йил 2 ноябрдаги 11-0615-9428-ижро варақаси	Оққўрғон ту-мани, "Озод" ш/х, Оптивул участкаси
2.	Транспортираси	400 000				
3.	"Дамас" русумли, д/р 11 АА 941, 1997 йилда и/ч, техник носоз	1 989 000	Ангрэн шаҳар суд ижрочи-лари бўлими	Тошкент вилояти ҳўжалик суди	2007 йил 4 апрелдаги 11-0715/2380-сонли суд бўйруғи	Ангрэн ша-ҳар Марка-зий шифохо-наси гаражи

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тўлаш тартиби билан, тўлов ҳужжатида уруш ҳужжати рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов фили-алидаги МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

ОМАД АГАР ЮЗ КЕЛСА, ЭТАГИДАН ТУБ МАҲКАМ!
КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИГА ИШОНЧ ДОИМ МУСТАҲКАМ!
Қўшимча маълумотларни 228-79-52 телефони ва www.rkmb.uz сайтидан олиш имкониятига эгасиз.
Кўчмас мулк кетмас давлат! Биржамизга марҳамат!

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ

Шундай касблар борки, улар тинимсиз изланишни, ўқиб-ўрганишни, фидойиликни талаб қилади. Шифокорлик ана шундай жасорат талаб қиладиган касб.

Тиббиёт соҳаси ходимларининг инсон саломатлиги учун кураши у дунёга келмасидан анча илгари бошланади ва бутун умр бўйи давом этади.

Шу боис янгилаётган жамиятимизда аҳоли соғлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилади. Бу тизим мустақиллигимиз билан қадамба-қадам улғайиб, такомиллашиб бораётди. Президентимиз томонидан 1998 йили имзоланган давлат саноати соғлиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларни жадаллаштириш ва чуқурлаштиришда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу йиллар мобайнида вилоятимизда замонавий шифохоналар барпо этилди, уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, тиббиёт ходимлари меҳнатини рағбатлантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилди.

Бу жараёнда қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш, уларнинг соғлигини сақлаш турли касалликларнинг олдини олиш ишлари янги сифат даражасига кўтарилди. Қисқа муддатда 240 дан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари ташкил этилди. Уларнинг 57 таси янги лойиҳалар бўйича қурилди. Бу тиббий масканларнинг ташхис қўйиш ва даволаш даражаси марказий шифохоналардагидан асло қолишмайди.

«Саломатлик-1» ва «Саломатлик-2» лойиҳаларининг амалга оширилиши натижасида шифохоналаримиз 439 миллион 615 минг сўмлик замонавий ускуналар билан жиҳозланиб, даволаш-профилактика муассасаларининг техник базасини мустаҳкамлашга 82 миллион 500 минг сўм сарфланди. Ходимларни рағбатлантириш мақсадларига 143 миллион сўм маблағ ажратилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмасининг ўз сафларига 70 мингга яқин аъзони бирлаштирган вилоят ташкилоти ўз фаолиятини вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан ижтимоий шериклиқ асосига қургани ижобий самара бермоқда. Миллий го-таргити, маънавий-ахлоқий тарбия, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий билимларини ошириш, меҳнат муҳофазаси ва молиявий масалалардаги ўқув машғулоти, семинарлар, давра суҳбатлари, учрашувлар бунда асосий ўрин тутаётди. Маданият-маърифат ўқоқлари, маънавий марказлари, ҳуқуқ-тартиб идоралари, хотин-қизлар кўмиталари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг маҳаллий ташкилотлари билан бу борадаги ҳамкорлигимиз яхши натижа бераётди. Касаба фаолларимизнинг амалдаги қонунлари пухта ўрганишлари ижтимоий-иқтисодий имтиёзлар ва бафоллардан тўла фойдаланилишини таъминлаётди, ижро нazorатини кучайтирмоқда.

Биз бундай ўқув машғулоти самарадорлигини янада ошириш, фаолларимизга зарур қонунчилик ва меъёрий ҳужжатларни вақтида етказиш ва уларга амал қилинишини изчил кузатиб бориш мақсадида худудий ўқув-тананч пункт-

ларини ташкил этишга киришдик. Ҳозирги кунда Пскент ва Бекобод туманларида шундай масканлар ташкил этилиб, улар 2 миллион сўмлик компьютер ва бошқа ташкилий-техник воситалари билан жиҳозланди.

Вилоят келишув ва жамоа шартномалари соҳа ходимлари фойдаланаётган имтиёзлар, кафолат ва енгилликлар доирасини кенгайтираётди. Ижтимоий ҳимоя йилида бу айниқса, амалий тус касб этмоқда, ходимларни, уларнинг оила аъзоларини дам олдириш ва соғломлаштириш, моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш қўламли кенгаймоқда. Шу йилнинг ўтган муддатида 254 тиббиёт ходими имтиёзли, 4 ходим бепул соғломлаштирилди. Шу мақсадлар учун 50 миллион сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Тармоқ ходимларининг 448 фарзандини ёзги оромгоҳларда дам олдириб, соғломлаштириш учун 38 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратдик. Кам таъминланган, кўп болали оилалар, уруш қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатилмоқда. Ижтимоий ҳимоя йилида Янгийул ва Қибрай болалар уйлари, Охангарон «Саховат» уйига ҳоимийлик ёрдамини кучайтирдик.

Айни пайтда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга ҳам касаба ташкилотимиз муносиб ҳисса қўшаётди. Чунотчи, Ангрен, Зангиота ва Қибрай болалар шифохоналари ва Чирчиқ шаҳар марказий шифохонасига касаба ташкилоти маблағлари ҳисобидан совутигич ва кондиционерлар олиб берилди.

Тиббиёт ходимларининг меҳнатини муҳофазаси қилиш, соғлом ва хавфсиз иш шaroитларини яратиш, иш пайтида жароҳатланишларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тобора амалий тус олиб бораётди. Чунотчи, «Меҳнатни муҳофазаси қилиш тўғрисида»ги Қонун ва Меҳнат кодекси талабларига жойларда риоя этилишининг аҳолини малакали ўрганиш соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳамон муайян камчиликлар мавжудлигини кўрсатаётди. Меҳнат муҳофазаси мухтаассислари бу жараёнда 270 га яқин камчиликни аниқлаб, уларни бартараф этиш юзасидан зарур тавсиялар беришди. Текширишлар мобайнида уларнинг 179 таси бартараф этилди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси билан биргаликда шаҳар ва туман соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари ва касаба фаоллари учун ходимларга қўлай ва зарарсиз иш шaroитларини яратиш масалаларига бағишланган ўқув семинари ўтказилди.

Маълумки, соғлиқни сақлаш ходимларининг кўпчилиги аёллардир. Шунини ҳисобга олиб, касаба ташкилотлари уларнинг меҳнатини енгиллаштириш, моддий ва маънавий рағбат-

лантириш, оналар учун ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллари берилиши, иш кунининг қисқартирилиши, ногирон боласи бўлган аёллар таътилига иш ҳақи сақланган ҳолда уч кун қўйилиши сингари келишув ва меҳнат шартномаларида кўзда тутилган имтиёзлар амалда берилишини назорат қилмоқдалар. Жумладан, кўп болали 39 аёлнинг иш ҳафтаси ойлик маош тўлиқ сақланган ҳолда бир соатга қисқартирилишига эришилди.


Касаба кўмиталари, шаҳар ва туман вакилликлари мустақиллик мафқурасини ходимлар онгига сингдириш, уларнинг маънавий дунёқарашини юксалтириш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбия-

КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА ДАВР

лаш, ўқув юртлари талабаларини террорчилик ва диний экстремизм, бошқа ғайриинсоний оқимлар таъсиридан сақлашга қаратилган тадбирларни тобора изчил амалга ошираётди. Пскент ва Охангарон туманлари, Ангрен, Бекобод, Янгийул ва бошқа шаҳарлардаги тиббиёт коллежларида бу борадаги сайёҳаракатлар тобора таъсирчан тус оляпти. Бунда соғлиқни сақлаш муассасалари ва ўқув юртларидаги кутубхоналарнинг аҳамияти ортиб бораётди. 925,8 минг нуска китобга эга бўлган бу билим, маданият ва маънавият масканларида ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ходимлар ва талабалар маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилаётди.

Хар биримиз соғ-саломат ҳаёт кечиришимизда тиббиёт ходимларининг меҳнати бекиёс. Улар замондошларимиз соғлиқини сақлаш йўлида кеча-кундуз тиним билмай меҳнат қиладилар. Зеро, миллат саломатлиги, янги авлоднинг соғлом дунёга келиб, ўсиб-улғайиши уларнинг мана шу кундалик сайёҳаракатларига боғлиқ. «Инсонга наф келтириш – олий бахт» шioriни ўз фаолиятларининг қонунига айлантирган касаба ташкилотларимиз бу жараёнда шифокорлар, тиббиёт ходимлари ва талабаларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳамда манфаатлари ҳимосини чуқурлаштириш учун тинмай излана-верадилар.

Гўзал Тўхтаева,
соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшмаси вилоят
кенгаши раиси.



СУРАТЛАРДА:

Бекобод туман марказий шифохона ходимлари фаолиятдан лавҳалар.
Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Қулайлик НУР УСТИГА АЪЛО НУР

Киши ўз ишидан мамнун бўлиб меҳнат қилса, кам бўлмайди. Лекин бунда имкон, зарур восита ва омилар ҳам муҳим ўрин тутаяди.

Қишлоғимизда врачлик пункти барпо этилиши ҳамкасбларим учун ана шундай имкон ва омилга айланди. Эндилликда 6585 киши, шу жумладан, туғруқ ёшидаги 1600 дан ортиқ аёл ўз дардига даво истаб, Зафар ёки Бекобод шаҳрига қатнаб овора бўлмайди. Бош шифокор Ҳабибулла Норматов раҳбарлигида Иноят Мақсудова, Дилдора Воҳидова сингари шифокорлар, Муяссар Хидирова, Наргиза Бўрибоева, Муборак Қорабоева, Маъфират Аҳмедова каби малакали тиббиёт ходимлари беморларни шу ернинг ўзида даволашяпти. Аниқроғи, қишлоқ врачлик пункти тиббий хизматини аҳолига бевосита ақинлаштирди. Эндилликда шифокорларимиз ҳақ орасига кириб олиб, касалликларнинг олдини олиш, беморларга малакали хизмат кўрсатиш билан шугулланишяпти. Патронаж хизмати ҳам йўлга қўйилганлиги нур устига аъло нур бўлаяпти.

Иноят РАҲМАНОВА,
Бекобод туманидаги Олтин водий қишлоқ врачлик пункти касаба ташкилоти раиси.

Ижтимоий муҳофазаси ШАРТНОМА ИЖРОСИ БИЛАН ҚАДРЛИ

Касаба ташкилотимиз ўз сафига профессор-ўқитувчилар, хизматчилар ва талабаларни бирлаштирган. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиб, бирлашган касаба кўмитамиз Ижтимоий ҳимоя йилида ўз фаолиятини яна ҳам амалий тус олдиarmoқда.

Аввало, меҳнат ва ўқуш шaroитларини яхшилаш, одамлар соғлиқини сақлаш алоҳида эътиборда эканлигини таъкидламоқчиман. Кимё лабораториялари, айрим кафедралар ва ҳўжалик бўлиналаридаги зарарли шaroитларда меҳнат қилаётган 200 дан зиёд ходимга ҳар кўни ярим литрдан сут тарқатилаётди. Институтнинг «Чимён» дам олиш зонасида ходимлар ва талабаларни бериўла дам олдириш аънава бўлиб қолди. Таътил даврида ходимларни санаторийларда имтиёзли соғломлаштириш қўлами ҳам кенгайиб бораётди. Оталикдаги мактаб-интернат тарбияланувчилари, кам таъминланган оилаларга моддий-ёрдам кўрсатиляпти. 500 минг сўм сарфланиб, кам таъминлан-

ган талабаларга кийим-кечаклар берилди. Меҳнат ва уруш фахрийлари, фронт ортида меҳнат қилганларга дори-дармон учун 350 минг сўм ажратилди. Миллий ва касб байрамларида ходимларни мукофотлаш мақсадларига деярли 6 миллион сўм сарфланди. Ўтган ойлар мобайнида касаба кўмитамиз ходимлари ва талабаларга 2 миллион 948 минг сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилади.

Институтимиз маъмурияти билан касаба ташкилоти жамоа шартномасини амалга ошириб, хайрли ишларни тобора жадал тус олдираётди.

Адҳам КОМЙЛОВ,
Тошкент фармацевтика институты бирлашган касаба кўмитаси раиси.


Таъриба

МЕҲНАТ ҚОНУНЧИЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАБ

Ўз сафларига меҳнаткашларнинг барча қатламларини бирлаштирган энг оммавий ташкилот – касаба уюшмалари жамияти-мизда кечаётган янгила-ниш жараёнида тобора фаол қатнашмоқда. «Улар, – деб таъкидлайди Президентимиз, – меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳолисона ҳимоя қилиш, меҳнат қонунчилигининг амалда бажарилиши кафолатларига эри-лиш, ўз-ўзини бошқариш каби долзарб вазифаларни ҳал этишда қатнашиш-ни ўзларининг асосий бурчлари деб билимоқдалар ва халқимиз орасида обрў қозонмоқдалар».

Кундалик ва истиқболли фаолиятда жамоа шартномаси касаба ташкилотлари учун муҳим меъёрий ҳужжатга айлан-ди. Чунотчи, ҳозирги пайтда вилоят касаба ташкилотининг Чирчиқ шаҳар вакилчилиги билан марказий шифохона маъмурияти ўртасида 2006-2008 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси амал қилаётди.

Ундан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошира бориб, соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси шаҳар вакилчилиги кейинги бир йилда ташкилот ва муассасаларимизда иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ва касбга оид муносабатларни тартибга солиб, маънавий-руҳий муҳитни соғломлаштириш ва барқарорлаштиришга муваффақ бўлмоқда. Сўнгги бир ярим йилда 41 тиббиёт ходими сикаттоҳларда соғломлаштирилди. Маънавий тарбия, спорт ишлари яхшиланди. «Энг яхши ҳамшира», «Энг яхши касаба ташкилоти» кўрик-таштовлари ўтказилди. Ходимларни рағбатлантириш, моддий ёрдам кўрсатиш қўламли кенгайтирилляпти. Бу борада марказий шифохона, тиббиёт коллежи, болалар шифохонаси, руҳий касалликлар диспансери каса-



ба кўмиталарининг раислари Наталья Кудинова, Матлуба Аминова, Зарема Алиева, Расвар Кабиров алоҳида ғайрат-ташаббус кўрсатишяпти.

Касаба ташкилотлари раислари шаҳар кенгаши жамоа шартномаси бажарилишини мунтазам назорат қила бориб, соғлиқни сақлаш муассасалари ходимларининг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимоялан-ди. Бино ва иншоотларнинг иситиш тизими такомиллаштирилиб, 3 та алоҳида қозонхоналар ўрнатилди. Ҳомийлар маблағи ҳисобига 83 миллион сўмлик реанимобиль ва «Газ» тез ёрдам машинаси олиниши ҳам шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатишини яхшилаш имконини берди.

Кўриниб турибдики, иш берувчи ҳозирги унчалик оддий бўлмаган шaroитларда ҳам жамоа шартномаси бўйича меҳнат шaroитларини яхшилаш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўла-тўқис бажариш имкониятларини топаётди. Айни пайтда ҳисоботларни муҳокама қилиш чоғида жамоа шартномасига бир қатор қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш зарурлиги ҳам

раля бўлими, болалар шифохонаси тўла таъмирланди. 1-, 4-поликлиникаларда ҳам шундай ишлар амалга оширилди.

Шифохонанинг жадал тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимига электрокардиограмма, болалар стоматологиясида рентген аппарати ўрнатилиши ҳам таъхис қўйиш ва даволаш даражасини яхшила-ди. Бино ва иншоотларнинг иситиш тизими такомиллаштирилиб, 3 та алоҳида қозонхоналар ўрнатилди. Ҳомийлар маблағи ҳисобига 83 миллион сўмлик реанимобиль ва «Газ» тез ёрдам машинаси олиниши ҳам шошилинч тез тиббий ёрдам кўрсатишини яхшилаш имконини берди.

Кўриниб турибдики, иш берувчи ҳозирги унчалик оддий бўлмаган шaroитларда ҳам жамоа шартномаси бўйича меҳнат шaroитларини яхшилаш юзасидан ўз зиммасига олган мажбуриятларни тўла-тўқис бажариш имкониятларини топаётди. Айни пайтда ҳисоботларни муҳокама қилиш чоғида жамоа шартномасига бир қатор қўшимчалар ва ўзгаришлар киритиш зарурлиги ҳам

ойдинлашди. Чунотчи, унинг меҳнатга ҳақ тўлаш қоидалари кўзда тутилган қисмига иш ҳақидан муддатга ўтган қарздорлик юз берган тақдирда ҳар бир кун учун амалдаги қонунчилик асосидаги фои-заларда пеня ундириш ҳақидаги қўшимча киритилди. Болаларни овқатлантириш учун ўртача иш ҳақи тўланувчи танлафусларни ходимнинг хоҳишига қўра иш кўннинг охирига кўчириш белгилаб қўйилди. Тўлиқсиз иш вақти жорий этиладиган шaroитлар доирасини кенгайтириш ҳақидаги қўшимча ҳам тиббий ходимларнинг манфаатларига хизмат қила бошла-ди.

Жамоа шартномасига меҳнат хавфсизлигини яхшилаш бўйича ҳам қўшимчалар киритилди. Улар иш берувчи ва меҳнат жамоаси манфаатларига доир вазифалар – малака ошириш, хизмат сафари, тиббий кўриқдан ўтиш вақтларида ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланишини кўзда тутаяди. Ходимнинг ўз меҳнат вазифалари билан боғлиқ қўшимча ҳаракатлар, иш пайтидаги йўл ҳаражатлари, ходим ўзига тегишли транспорт воситасидан хизмат чоғида фойдалангандаги ҳаражатларнинг маъмурият томонидан қопланиши ҳам жамоа шартномасига киритилган муҳим қўшимча бўлди.

Ишни оқилона ташкил этишга интилган, изланган ҳамиша имкон топади. Шаҳар касаба ташкилотимиз ходимлари ўз фаолиятлари давомида бунга ишонч ҳосил қилишди.

Шоҳида ИСРОИЛОВА,
соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшмаси вилоят
кенгашининг Чирчиқ
шаҳри бўйича вакили.

Саҳифани Ўзбекистон касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлим мудир
Эътиборхон РАҲМОНОВА ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири
Жўра САЪДУЛЛАЕВ тайёрлашди.

Ўқув

БИЛИМ – ҲАРАКАТЛАНТИРУВЧИ КУЧ

Ҳар қандай фикр, гоё ёки дастур, уларнинг моҳияти ва пировард мақсади иж-рочилар онгига сингиб борсагина, ўнлаб,

юзлаб одамларни ҳаракатга келтиради. Акс ҳолда барча яхши, истиқболли режа-лар қоғозда қолиб кетиши ҳеч гап эмас.

Шуни ҳисобга олиб, туман соғлиқни сақлаш муассасалари раҳбарлари, фаолларимиз учун ўқув-тананч маркази ташкил этишга киришдик. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг вилоят кенгаши бизнинг бу мақсадимизни қўллаб-қувватлади, янги тузиллаётган марказимиз учун компьютер ва бошқа ташкилий-техник воситалари ажратди. Эндилликда ўқув-тананч марказимизда туман соғлиқни сақлаш ходимлари учун ўқув машғулоти ража асосида олиб борилаётди. Уларда Президи-дент фармонлари ва қарор-лари, амалдаги қонунлари-миз, бўйруқ ва фармойиш-лар ўрганилди.

Ҳозирги пайтда тумани-мизда 9 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсата-пти. «Саломатлик-2» лойиҳа-сига асосан барча тиббиёт муассасалари юридик ма-қомга эга бўлди. Биноба-



рин, уларнинг раҳбарлари ва касаба ташкилотлари етакчилари учун бундай ўқувлар, айниқса, долзарб тус олди. Шу боис машғулоти-ларимизда ходимларни ижтимоий ҳимоялаш жамоа шартномаларини тузиш, меъёрий ҳужжатлар иж-ро-

сини таъминлаш, меҳнат муассасалари қонунчилиги, маънавий ва маърифий тарбияни ташкил этиш мавзу-ларида машғулотлар ўтка-зишга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Ўқув-тананч марказимиз-даги сўнгги машғулотлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлашти-риш ва уни ривожланти-риш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони-ни ўрганиш, ундан келиб чиқадиган вазифа-ларни амалга ошириш йўлларини аниқлаб олишга бағишланди. Албатта, соғ-лиқни сақлаш соҳасидаги ислохотларнинг чуқурлаш-тириб борилиши, тиббиёт муассасаларига раҳбарлик-нинг такомиллаштирилиши иш самарадорлигини оши-риб, аҳоли соғлиқини сақ-лашни тўбдан яхшилашга хизмат қиладди.

Шаҳло РАҲИМОВА,
соғлиқни сақлаш
ходимлари касаба
уюшмаси вилоят
кенгашининг Пскент
тумани бўйича вакили.

СУРАТДА:

Шаҳло Раҳимова (чапда) шифокорлар билан суҳбатлашмоқда.

Спорн | Спорн | Спорн | Спорн | Спорн | Спорн | Спорн

«МЕТАЛЛУРГ»

ИШОНЧНИ ОҚЛАМАДИ

16-миллий чемпионатнинг 25-турида Бекбодининг «Металлург» жамоаси ўз майдонида «Нефти» билан баҳс юритди. Биринчи бўлиб меҳмонлар ҳисобини очишга эришдилар. Майдон эгалари эса танаффусга жавоб бўлини киритиб, ҳисобни тенглаштирдилар.

Иккинчи бўлимда фаргонликлар яна бир тўп киритиб, ўйинни 2:1 ҳисобида ўз фойдаларига ҳал қилдилар. «Металлург» билан «Вобекент» жамоалари ўз ўринини биринчи табақа голлиблари Жиззахнинг «Сўғдиёна» ва Андижоннинг «Ўзгон» жамоаларига бўшатиб берадиган бўлдилар. Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар кайд этилди. «Машъал» —

«Насаф» 4:1, «Трактор» — «Андижон» 3:1, «Бухоро» — «Шўртан» 1:0, «Локомотив» — «Вобекент» 0:0, «Пахтакор» — «Навбахор» 2:1, «Самарқанд» — «Тўпалан» 1:1, «Қизилқум» — «Қурувчи» 0:2. Чемпионатда «Пахтакор» жамоаси 69 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Иккинчи ва учинчи ўринларни «Қурувчи» ва «Машъал» жамоалари банд этишган.

Талъат ЮСУПОВ.

ЖИЗЗАХГА ЙЎЛЛАМА

Ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, маҳаллаларда истиқомат қилувчи ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларнинг ўзаро маданий-спорт алоқаларини йўлга қўйиш ҳамда спортнинг шахмат турини кенг тарғиб қилиш мақсадида ўтказилаётган «Камолот шахмат тахтаси» республика турнирининг Тошкент вилояти финал босқичи Қирғиздаги шахмат-шашка клубида бўлиб ўтди.

Турнирда вилоятнинг барча шахар ва туманларида бўлиб ўтган ҳудудий босқич гойиблари иштирок этди. Мусобақаларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари, болалар спортини ривожлантириш, «Маҳалла» жамғармалари ҳамда вилоят шахмат федерацияси ҳамкорлиги жуда қўл келди.

Таърибли, нуфузли хайъат аъзолари, етук шахмат мутахассислари томонидан иштирокчилар баҳси диққат билан қўзғатиб борилди. Тур-

нирда 14 дан 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар орасидан энг маҳоратлилари танабб олдинди. Вилот финал босқичида биринчилиكنи қўлга киритган 4 нафар иштирокчи республика босқичига йўлланма олди. Энди улар Жиззах шаҳрида бўлиб ўтadиган республика турнирида иштирок этадилар.

Турнир якунида ўқувчилар бадий ҳаваскорлик жамоалари иштирокида маданий дастур уюштирилди. Ғолибларга ва энг яхши катнашчиларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши томонидан таъсис этилган эсдалик совгалари топширилди.

Ашуралли БОЙМУРДОВ.

Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилганига беш йил тўлди. Жамғарма фаолиятдан қутилган мақсад ёш авлодни ҳам жисмоний, ҳам маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, улар онгига соғлом турмуш тарзи ва спортга меҳр-муҳаббат туйғуларини сингдириш, болалар спортини қишлоқ жойларида кенг ривожлантиришга қаратилган эди.

Ўтган даврда амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш мақсадида вилоятимизда қўллаб спорт тадбирлари ташкил этил-

ча қатнашган баҳслар қўтилганидан ҳам қизгин ва мурасосиз кечди. «Отам, онам ва мен — соғлом оила» деб номланган беллашув-

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИГА
ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

моқда. Шундай тадбирлардан бири Зангиота тумани Иттифок қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидида болалар ва ўсмирлар спорт мажмуасида бўлиб ўтди.

Ушбу мусобақаларни ўтказишда болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали ҳам ташкилотчилик, ҳам ҳоимчилик қилди. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлими ҳамда қатор жамоат ташкилотлари эса бу борада ҳамкорлик қилишди.

Мусобақалар жараёнида спортчилар орасидан энг муносибларини саралаб олиб, уларни тақдирлашдан ташқари, — дейди болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали раҳбари Ўткир Рашидов, — ўтган 5 йил ичида жамғарма томонидан қандай ишлар амалга оширилганлигини кўрсатиб беришга ҳаракат қилинди. Ўйлайманки, биз бунга эришдик.

300 нафардан зиёд йигит-қиз ўзлари шуғулланаётган спорт турлари бўйи-

ларда Норинбоевлар оиласи биринчи ўринни эгаллади. Кейинги фахрли ўринлар Мўминовлар, Мавлоновлар ҳамда Илхомовлар оиласига насиб этди.

Миллионлар ўйини бўлими футбол мусобақалари ҳам эсда қолади. 12-умумтаълим мактаби жамоаси барча рақибларидан анча устун эканлигини намойиш этди. 3- ҳамда 1-



мактаб ўқувчилари ҳам етарли тажрибага эга эканлигини кўрсатишди.

«Турон» яққа кураши бўйича якуний натижалар 12-, 9- ва 1-умумтаълим мактаблари ёш спортчилари бошқалардан анча қучли эканлигини кўрсатди. Белбоғли кураш баҳсларида 11- ҳамда 4-мактаб жамоаларига омад қилиб бокди.

Енгил атлетикачилар

учун ахратилган майдон қўп томошабин йиғилгани билан ажралиб турди. Спортнинг бу тури бўйича 1-, 28- ва 2-мактаб вакилларининг олдиға тушадигани топилмади.

Мактабга таълим муассасаларида тарбияланаётган кичкинтойлар ҳам майдонга тушиб, спортда нисмаларга эришаётганликларини намойиш этишди. Турли шартларни маромида бажарган 2-муассасанинг «Оққўш» жамоаси биринчи ўринни эгаллади.

25-болалар богчасининг «Гунча» жамоаси вакиллари иккинчи бўлишди.

Хулоса қилиб айтганда, мусобақалар якуни жамғарманинг ўтган беш йил давомида болалар спортини ривожлантиришда муайян ютуқларни қўлга киритганини, барча савй-ҳаракатлар ўсиб келаятган ёш авлодининг соғлом вояға етиши учун хизмат қилаётганлигини кўрсатди.

Хуришда НАЗАРОВА, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Дўрмон ҳангомалари

ХАВҒАИ ҲИЖРОН

Илгариги артистларнинг гастроль-сафар томошаси анча узоқ мuddат давом этаркан. Муқимий номидаги театр жамоаси шундай сафарда эканлигида бир артист йигит хотинидан хат олибди: «Дадаси, суюнчи беринг, ўғилчаниз юриб қолди!»

Йигит хурсанд бўлиб, Сойиб Ҳўжаевнинг ҳузурига ошиқибди.

— Уста, суюнчи беринг, ўғилчаниз катта бўлиб қолди!

Уста негадир ўзини эшитмаганга олибди.

— Уста, ўғилчам юриб қолди!

Уста бу гал ҳам индамай, тескари ўғирлибди.

— Устахон, ахир ўғилчам юриб қолди! Деялман! Мана, хотиним хат ёзиб юборибди!

Шунда уста чидолмай, жаҳл билан хитоб қилибди: — Бу ерларда яна бирор ой юрсанг, хотининг ҳам юриб кетади!

ПЎПИСА

«Тошболта ош» спектаклининг машҳур ижрочиси, халқ суйган таниқли санъаткор Сойиб Ҳўжаев олдинги тартибга қўра уй олиш учун навбатда турарди. Ижрокўмининг ўша даврдаги раҳбарларидан бири Сойиб акани назар-писанд қилмадими ёки уни бир ялтиригиси келдими — артиста қўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватидан жой ажратди. Артистнинг «Барака тоғулрлар, менга пастроқдан уй беринглар, кексаман, хастаман» деган илтимос-илтижоларига ҳам эътибор қилмади.

Кўнлардан бир кун Сойиб ака Мўқимий номидаги театр саҳнасида роль ижро этаётганди. Унинг актёр шеригига «Агар гапимга

кирмасанг — ўзимни мана шу теракка осиб қўяман!» дея пўписа қилиб айтидиган бир гап бор эди.

Сойиб ака жаҳл билан шу гапни айтишга чоғланиб турганда ногў олдинги қаторда ўтирган ўша ижрокўм раҳбарини қўриб қолади. Илҳоми жўшиб кетганди ўшдан ҳам анча-мунча «қўшиб» юбораверадиган, гап келгандатасиниям аямайдиган кулги дарғаси халиги раҳбарга тик қараб, шундай хитоб қилади:

— Агар гапимга кирмасанг, тўртинчи қаватдаги уйимдан ўзимни ташлаб юбораман!

Пўписанинг таъсири тезда билинди — орадан қўп ўтмай, Сойиб акага пастки қаватдан бошқа ўй берилди.

ИШОНТИРИШ ЎСУЛИ

Бир зиёфатда ўзбекнинг Афандиси деб ном қиларган ёзувчи Аҳмад Ҳамдам хайрлашаётиб мезбонга хасрат қилади:

— Янгангиз жуда ҳам рашқчи-да! Ўзим шафтолиқоқи бўлиб қолсам ҳам рашқ қилавериб қуйидади. Мана, ҳозир ҳам уйга бориб, зиёфатдан қайтдим десам ишонмайди. — Қизик, унда... нима қилсак экан? — мезбон ас-

тойдил ачинади.

— Э-э, эшак минишининг ҳам йўли бор, — дейди Аҳмад ака мезбоннинг кулфига сирли шивирлаб:

— Қандай йўл экан?

— Мана бу дастурхондаги ноз-неъматлардан бир тугун қилиб машинамга ташлаб қўйинг! Зора шунда янгангиз зиёфатдан келганимга ишонса...

Шодмон ОТАБЕК.

РАСМЛАРДА ЮРТ
МАНЗАРАЛАРИ

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида мусаввир Инна Кулагина асарлари кўргазмаси очилди.

Мамлакатимизда санъатнинг барча йўналишларида бўлгани каби, тасвирий санъат соҳасида изланаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, уларни янгидан-янги ижодий марралар сари рағбатлантириш доимий эътиборда. Бу жиҳатлар И. Кулагина фаолиятида ҳам ўзининг ифодасини топаётди. Инна Тошкент шаҳрида туғилиб, вояға етди. Дастлаб Республика рассомлик коллежида тахсил олган мўйқалам соҳибаси Николай Шин, Владимир Бурмакин, Янис Салпинкиди сингари ижодкорлардан тасвирий санъат сир-асрорларини пухта ўрганди.

У ўз асарлари билан нафақат республикамиздаги, балки Германия, Буюк Британия, Гондурас каби мамлакатлардаги халқроқ кўргазмаларда ҳам муваффақиятли қатнашиб келмоқда. Она табииатимизнинг сўлим манзаралари, умрбоқий меъморий обидалар, ўзбекча урф-одат ва анъаналар рассом ижодидаги бош мавзунини ташкил этади. Унинг ушбу кўргазмада намойиш этилаётган «Фунускор Бурчмулла», «Оналик», «Анорли шаҳар» каби картиналарида бу жиҳатлар янада ёрқинроқ намоён бўлган.

Н. УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири.

Ҳаёт сабоқлари

жигарлари эди. Лекин уларга қўзи тушган азадор хамдардиллар ханг-манг бўлиб қолишди. Таъзияга келганлар гўё тўйга, байрамга отлангандек ясаниб, бўяниб олишган, айниқса, гавдасидаги бор кусурни аниқ-таниқ кўрсатиб турган алтир-юлтир либосу, тор



у кишининг ички дунёсини борица акс эттиради

шимлар, улама киприги кип-қизил лаблар... Гўё, улар ҳеч қачон таъзияга боришмаган-у, ҳеч қачон вафот этмаган. Эллик, олти-беш йиллари қораллаган «латофат»ли аёллар... Халқимизда «кўрмаганнинг кўрмаган курсин», деган гап ҳўп топиб айтилган. Агар маданиятлик кибор-хаво, манманлик, беҳаёлик қобилига бурканса, унинг акси — маънавий кўрлик, қашшоқлик бўй кўрсатади. Чеҳраларда ярим жилва, ҳатто ҳамдардлик билдириш учун сўз топа олмаслик...

Шу ўринда яна бир

ҳолат. Баъзан таъзияга келганлар кимнинг қанақа йиғлаётганини, қандай йиғлаш кераклиги ҳақида бемалол муҳокама қилиб ўтиришди:

— Қаранг, тоғдек акаси кетса-ю, кўзидан бир томчи ёш чиқмаса!

— Аслида, қаттиқ куйган, гангив қолганда кўздан ёш чиқмайди, лекин юракка оғирлик тушади, — дейди руҳшунос олим Жамшид Беков. — Хар ҳолда юз юмдалаб, соч қилиб йиғлашдан кўра, мусибатни оғирлик билан енгган яхши.

Ана шунақа гаплар. Юқорида айтганимиз, мезон, мувозанат хар қачон, хар нарсда зарурат эканлиги қуйидаги воқеадан ҳам сезилиб турибди.

Кимдир орзу-хавас билан қиз қикариш ҳаракатида. Ушбу хонадонга қариндош бир аёлнинг ёлғизгина қизи вафот этган. Бу воқеага 2-3 йил ўтган бўлсада, фарзанд доғи онаизор қалдини бўкиб куйган. Устидан мотамсаро либос тушмайди. Лекин, ўз дарди билан ўзгаларнинг дилини ҳуфтон этиш тўғримиқан? Инсофу одамгарчилик билан ҳамдардлик шу ҳолатда тош босармиқан? Бошдан-оёқ қора қийиб, бир уй хотин-халажнинг эътиборини тортиш, устига-устак, хурсандчилик ўрнига унинг кўнлига қараш...

— Қизим тирик бўлганида мен ҳам узатардим, сенинг қизинг билан тенг эди! Тўй эгаси бундай таснага қандай жавоб берсин?!

Хуллас, хар кимнинг инсофини берсин, мезону мувозанатини унутмайлик дегимиз келадди.

Сайёра РИХСИЕВА.

Рассом хангаси



Шавкат МУЗАФФАР чизган расм.

Сотувчи Игамбердиев Шовкат Тохтапулатович ва олувчи Вахидов Убайдулло Сағдуллаевчи ўртасида 2002 йил 19 июнда тузилган 3985 рақамли шартнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Шайхонтохур туманидаги «LABZAK-DAVR-INVEST» МЧЖ (ИНН 202609927)

ТУГАТИЛАДИ.

Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой давомидида 143-19-82 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Шайхонтохур туманидаги «GIFANON» шўба корхонаси (ОКПО 16873475)

ТУГАТИЛАДИ.

Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 1 ой давомидида 143-34-31 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой туманидаги «GLOBAL MOBILE TECHNOLOGY» МЧЖ (ОКПО 21523423)

ТУГАТИЛАДИ.

Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомидида 700-99-22 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Яккасарой туман давлат солиқ инспекцияси томонидан 2007 йил 13 сентябрда Хуррамов Холбута номига берилган 035841 рақамли солиқ тадбиркорлик гувоҳномаси, 040454 рақамли рўйхатдан ўтмиш қарточкаси йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Тошкент шаҳридаги 7-касб-хунар мактаби томонидан 2001 йилда Усманов Сарвар Равшанович номига берилган НТ № 077349 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Турсунходжаева номидаги Тошкент тиббиёт билим юрти томонидан 1998 йилда Арпабекова Ўзбек Сундековна номига берилган № 060791 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утела туманидаги «KMACTFAM» МЧЖ (ОКПО 21558083)

ТУГАТИЛАДИ.

Давлолар эълон қилган кундан бошлаб 2 ой давомидида 170-37-07 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

ООО «Rayan international Group» Мирабадского району (ОКПО 21564310, ИНН 300123534) извещает об уменьшении уставного фонда общества с 24 000 000 сум до 9 600 000 сум.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по тел: 135-37-35.

Утернянный гос. ордер № 0021/14318 от 5.07.06 г. и план БТИ на квартиру выданный на имя Сон Алины Руслановны,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

СП «KROKUS GAZ SERVIS» уменьшает свой уставной фонд с 199826,2 долларов США до 197525,47 долларов США. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, 100000, пересечение улиц Узбекистан Овози и С. Азиямова.

ООО «GLOBAL LEASING» уменьшает свой уставной фонд с 200 000 000 сум до 85 000 000 сум. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, 100060, Мирабадский р-н, ул. Т. Шевченко, дом 34-а.

Утернянную круглую печать ООО «AL UMID SUB», зарегистрированную в Мирзо-Улугбекском р-не, г. Ташкента,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Тошкент вилояти табииати муҳофаза қилиш қўмитаси жамоаси Олмалик табииати муҳофаза қилиш минтақавий қўмитасининг мутахассиси Фаарида Абдуллаевага падари бузруквори Саримсоқ ота АБДУЛЛАЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кулганга нима етсин?

врач билан маслаҳатлашишга қарор қилипти. Врач аввалги эрларининг қандай шароитда вафот этганини сурапти.

— Учта эрим қўзиқориндан захарланиб ўлган.

— Тўртинчиси-чи?

— Мия чайқалишдан...

— Нечук?

— У қўзиқоринни ёқтирмас эди...

Чикагода бир банкирни ўлдириб кетишди. Кечки газетда бу тўғрида шундай хабар чиқди: «Мархум, иттифоқо, ҳамма пулини банкнинг темир сандиқларида сақлар экан,

шунинг учун ҳеч қандай зарар кўрмади».

— Капитан жаноблари, айтишга ижозат беринг. Бизнинг бўлима командир яна маст.

— Каердан билдинг.

— У яна кўзгусининг соқолини олпти.

Эру хотин ўтмишни эслашяпти.

— Ох, азизим, қандай танишганимиз эсингдими? Ўшанда жуда катта тошқин бўлганди.

— Ха, жонгинам, бу катта бахт-сизлик бўлганди.

Телефонлар:

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:

700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти

Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билди

рувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун рекалар ва эълон берувчилар масъулдир.